

**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси  
тизимида 2021 йил давомида амалга оширилган  
ишлар ҳақида**

**МАЪЛУМОТ**

Қўмита томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайтириш, биологик хилма-хилликни сақлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

**2021 йилда:** **3 та** Қонун, **1 та** Президент Фармони, **1 та** Президент Фармойиши, **1 та** Президент қарори ва **10 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Қонуни**

1. Ўзбекистон Республикасининг “**Экологик аудит тўғрисида**”ги қонуни (15.03.2021 йил ЎРҚ-678-сон).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги 837-XII-сонли Қонунига ўзгартириш киритилган (12.10.2021 йил ЎРҚ-721-сон).

3. “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар киритилган (25.08.2021 йил ЎРҚ-711-сон).

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дараҳтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **ПФ-46-сон Фармони.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё учун экологик қайта тиклаш ҳисоби бўйича амалиётлар ўtkазиш тўғрисидаги Ҳадли Битимни амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида” **2021 йил 9 февралдаги Ф-5627-сон.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:**

1. “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **ПҚ-76-сон Қарори.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**

1. “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

**2021 йил 28 январдаги 40-сон,** “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби түғрисида Низом” тасдиқланди;

**2. “Қорақалпоғистон Республикасида “Судочье-Акпетки” давлат буюртма қўриқхонасини ташкил қилиш түғрисида” 2021 йил 8 февралдаги 58-сон;**

**3.** “Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида” **2021 йил 16 февраль 75-сон,** “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиша экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик сертификат-лаштириш тартиб түғрисида Низом” тасдиқланди;

**4.** “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш түғрисида”ги Қарори **2021 йил 22 февралдаги 88-сон қарори;** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида» 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарорига ўзгартиришлар киритилган;

**5.** “Озон бузувчи моддалардан фойдаланиши тўхтатиш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш түғрисида” **2021 йил 9 марта 126-сон;** Миллий дастур ва Йўл харита тасдиқланди;

**6.** “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизmlарини янада такомиллаштириш түғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг **2021 йил 12 апрелдаги 202-сон қарори:** “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби түғрисида НИЗОМ” тасдиқланди;

**7.** “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналарини белгилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” **2021 йил 5 майдаги 282-сон қарори;**

**8.** “Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш түғрисида” **2021 йил 3 июндаги 343-сон қарори;** “2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит мониторинги дастури” тасдиқланди;

**9.** “Ўзбекистон Республикасида заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар кўмилган ҳамда сақланаётган маҳсус объектлар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари түғрисида”ги **2021 йил 15 октябрдаги 647-сон қарори;**

**10.** “Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё учун Экологик қайта тиклаш ҳисоби бўйича амалиётлар ўtkазиш түғрисидаги Ҳадли битимни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” **2021 йил 15 ноябрь 681-сон қарор.**

Таҳлилий лабораториялар томониждан **625 та** корхоналарнинг **6928 та** манбаларида мониторинг ўтказилди. Бунда **226 та** объектларнинг **610 та** манбаларида меъёрдан ортиқ ифлослантириш аниқланиб, камчиликлар бартараф этилди.

**“Тоза ҳаво”** тадбирида жами **279,2 мингта** автотранспорт воситалари кўриқдан ўтказилиб, уларнинг **9,3 минг**таси ёки **3,4 фоизи**да ишлатилган газларининг ифлослантирувчи моддалари миқдори белгиланган меъёрлардан юқорилиги аниқланган. Уларнинг **3 мингга** яқини вақтинча тўхтатилиши эвазига, бир кунда ўртача **102 тонна** заарли газлар ташланишининг олди олинди.

Атмосфера ҳавосини ифлослантириш даражаси бўйича ҳисобкитобларга кўра, бир йилда атмосферага **2,255 млн тонна** ташламалар чиқарилиб, 2018 ва 2019 йилга нисбатан **7 фоизга** (155,0 ва 150,0 минг тн) камайган.

Ташланмаларнинг **1,3 млн тоннаси** (58 фоиз) транспорт воситалари ҳамда **924,0 минг тоннаси** (42 фоиз) саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳисбот даврида, **Қорақалпоғистон Республикаси** (66), **Андижон** (80), **Бухоро** (170), **Жizzах** (18), **Қашқадарё** (54), **Навоий** (32), **Наманган** (178), **Самарқанд** (74), **Сирдарё** (62), **Сурхондарё** (12), **Тошкент** (215), **Фарғона** (154), **Хоразм** (35) **вилоятлари** ва **Тошкент шаҳрида** (83) жойлашган корхоналар томонидан чанг-газ тозалаш ускуналарини таъмирлаш ва модернизация ишларини амалга оширилиш натижасида уларнинг самарадорлиги **65 фоиздан 95 фоизга** етказилди. Натижада атмосфера ҳавосига **9,5 минг тонна** ифлослантирувчи моддалар ташланишининг олди олинди.

Озонни бузувчи моддалар ва улар таркибида бўлган маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиш бўйича жами **3537 та** мурожаатлар кўриб чиқилиб, тегишли ҳулосалар тақдим этилди.

**167 та** йирик саноат корхоналарида локал оқова тозалаш иншоотларини ўрнатиш, қайта қуриш ва модернизация қилиш ишлари ўрганилди.

#### **Маълумот учун:**

**Жizzах шаҳар** оқова сув тозалаш иншоотлари 2014 йилдан буён ҳар куни **15 минг м3** оқовалар **Уркулсой** коллекторига тўғридан-тўғри ташланмоқда.

**Қарши шаҳар** оқова сув тозалаш иншоотлари авария ҳолатига келиб қолган, оқова сув тозалаш иншоотларини ишламаслиги оқибатида, оқовалар тозаланмасдан, **Дашт** коллекторига ташланмоқда.

**Каттақўрғон, Янгийўл, Хонобод шаҳарлари** коммунал оқова сув тозалаш иншоотлари ҳам оқова тозалаш функциясини умуман бажармаяпти. Аниқланган ҳолатлар бўйича “Ўзсувлтаъминот” АЖга ёзма кўрсатма берилди ва Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритилди.

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат күрсатиш вазирлиги, "Ўзсувтаъминот" АЖ ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда республика бўйича оқова тозалаш иншоотлари ҳолати ўрганилиб, тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ва янгиларини барпо этиш бўйича дастур ижроси ўрганилди, аниқланган муаммоларнинг ечимлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.*

**33 та** йирик шаҳарнинг коммунал оқова тозалаш иншоотлари иш самарадорлигини ўрганиш натижалари бўйича тайёрланган танқидий маълумот Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда мавжуд оқова сув тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ва янгиларини барпо этиш бўйича дастурларнинг ижросини ўрганишда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича "**Йўл ҳарита**"лари ишлаб чиқилди ҳамда ижрога қаратилди.

**Хусусан**, Тошкент шаҳар "**Бўз-сув аэрация станцияси**", "**Салар**" ва "**Бектемир**" оқова сув тозалаш иншоотлари атрофида атмосфера ҳавоси ва сув ресурсларининг ифлосланиши ҳолатлари аниқланди.

**Бектемир оқова** сув тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш, замонавий флокулянтлар қўллаган ҳолда қўланса ҳидни камайтириш ишлари амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг оқова сув тозалаш иншоотларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 2021 йил 22 июндаги **349-Ф-сонли** Фармойиши қабул қилинди.

Бектемир иншоотига боғланган **12 та**, Салар иншоотига боғланган **18 та**, Бўзсув иншоотига боғланган **12 та** корхонада экологик назорат ўтказилди, меъёрдан ортиқча ифлосланган оқова ташлаганлик учун (тўқимачилик, терини қайта ишлаш, қушхона) корхоналар фаолияти вақтинча тўхтатилди. Уларда локал оқова тозалаш иншоотларининг ҳолатини яхшилаш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилди.

Атроф-муҳитга юқори ва ўрта хавфли таъсир этувчи **240 та** саноат корхоналарида замонавий локал оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва мавжудларини модернизациялаш дастури тасдиқланиб, ҳозирга қадар **60 та** корхонада иншоотлар қурилган, **67 тасида** ишлар давом эттирилмоқда.

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб оловчи корхоналар томонидан молиявий манбаларини кўрсатган ҳолда ҳудудлар кесимида 2022-2025 йилларга мўлжалланган **жами 5708,4 га** (2022 йилда - **2078,7 га**, 2023 йилда – **1373,2 га**, 2024 йилда – **1080,6 га**, 2025 йилда – **1175,9 га**) бузилган ер майдонларини рекультивация қилиш режа-жадвали ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

2021 йилда жами **2170 та** автомобиль ювиш шоҳобчаларидан **1602** таси хатловдан ўтказилди, **361 тасида** сувдан маҳсус фойдаланиш рухсатномаси, **460 тасида** ички оқова тозалаш иншоотлари мавжуд эмаслиги ва **277 тасида** бошқа қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси мавжуд бўлмаган автомобиль ювиш шохобчаларининг **502 тасида** ўрганиш ўтказилди ва **380 тасига** огоҳлантириш берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сонли қарори ижроси доирасида республикадаги табиий сув обьектлари хатловдан ўтказилиб, **50 дан** ортиқ сув обьектлари учун сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи полосаларини қайта белгилаш лозимлиги аниқланди.

Дастлабки босқичда **16 та** сув обьектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи полосаларини белгилаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш мақсадида “Ўздаверлойиҳа” ИТИ билан шартнома тузилди.

Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан, Сурхондарё вилоятидаги **Сангардак** ва **Тўпаланг** дарёлари ва Наманган вилоятидаги **Қасноқ** ва **Қолғандарё** кўлларига лойиҳалар ишлаб чиқилди ва қарор билан тасдиқланди.

Худудларда дарё ва сойлар ўзанини тозалаш орқали қум шағал қазиб олаётган **156 та** хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ўрганилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Юқори-Чирчик, Паркент, Оққўрғон, Пскент ва Янгийўл туманларида жойлашган **55 та** ўзан тозалаш обьектлари ўрганилди, **5 та** корхонанинг лицензия муддатларини узайтиришни бекор қилиш бўйича таклиф берилди.

Республика ҳудудининг **91 фоизи** санитар тозалаш хизматлари билан таъминланди.

Санитар хизмат кўрсатиш доираси кенгайтирилиши ҳисобига тушум миқдори **416,1 млрд. сўм**гача етказилиб, бу кўрсаткич 2020 йилга (**370,8 млрд. сўм**) нисбатан **1,1 баробар**га ортди. “Тоза ҳудуд” ДУКларнинг дебитор қарздорлигини ундириш бўйича Ишчи гуруҳлар тузилиб, **91,0 млрд.сўм** қарзлар ундирилди.

Республикада бир йилда ўртacha ҳосил бўлаётган **7,1 млн тонна** майший чиқиндиларнинг **1,7 млн тоннаси** қайта ишлашга жалб қилиниб, қайта ишлаш даражаси **21,9 фоиздан 23 фоиз**гача етказилди.

**36 та** қаттиқ майший чиқинди полигонларининг рекультивация қилиш натжасида **90,1 га** ер майдонлари давлат заҳирасига топширилди ва **0,7 млн тонна** иссиқхона газларини атмосферага ташланишининг олди олинди.

Майший чиқиндилар билан ишлаш соҳасида ҳудудларни давлат-хусусий шериклик тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига бириктириш бўйича **26 та** битим имзоланди, **29 та** лойиҳалар тендер жараёнида ҳамда **9 тасининг** ҳужжати эълонга қўйиш учун тайёрланди.

Давлат экологик назорати доирасида **40 мингдан** ортиқ рейдлар ўтказилди, **82 мингдан** ортиқ профилактика тадбирлари олиб борилди.

Ҳудудий бўлинмалар, туман (шаҳар) инспекциялари **51 дона** транспорт воситалари билан таъминланди.

**663 та** давлат инспекторларидан иборат **221 та** тезкор назорат гурухлари ташкил этилиб, уларга **61 та** транспорт бириктирилди.

қонунчиллик хужжатлари талабларини бузган **45 135 нафар** шахслар аниқланди.

**40,8 млрд. сўм** маъмурий жарима ва табиатга етказилган заарлар ҳисобланди.

**1829 та** ҳолат бўйича **21,7 млрд. сўм** жарима ва табиатга етказилган заарларни ундириш юзасидан материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига киритилди.

**22 та** ҳолат бўйича **2,9 млрд. сўмлик** даъволар юзасидан қонунбузарлик содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича иш қўзғатилди.

Ҳуқуқбузарлардан **553 дона** ҳайвон ва парранда, **2,1 тн** балиқ, **49 514 кг** доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликлар, **1808 м<sup>3</sup>** ўтин, **668 та** инвентарлар (ов қуроли, аслаҳа, тўрлар, электр қармоқлар) олиб қўйилган.

**1312 м<sup>3</sup>** саксовулларни ноқонуний кесган **502 нафар** ҳуқуқбузарларга **1,1 млрд.сўм** жарима ва заарлар белгиланди.

Дараҳт ва буталарни ноқонуний кесган **4615 та** (шундан 125 нафар мансабдор шахслар) шахсларга **17,2 млрд. сўм** жарима ва заарлар белгиланди.

Айдар-Арнасой қўллар тизимида ўтказилган **1057 та** назорат тадбирларида **490 дан** ортиқ ҳуқуқбузарларга **616 млн. сўмдан** ортиқ жарима белгиланди.

**Қизил китобга** киритилган ёввойи ҳайвонларни ёввойи табиатдан олишга **26 та**, ёввойи ҳайвонларни, уларнинг қисмларини, шунингдек яшаш фаолияти маҳсулотларини олиб кириш ва четга олиб чиқишига **280 та**, йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига кирувчи ҳайвонот турларини олиб кириш ва четга олиб чиқиши учун **241 та** рухсатномалар берилди.

Давлат кадастри сув муҳофаза зоналарининг **245 та** ҳамда ўсимлик дунёси обьектларининг **166 та** турлари бўйича маълумотлар базаси шакллантирилиб, Давлат кадастрлари ягона тизмига киритилди.

Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари сув ҳавзаларида ўтказилган экспедицияда жами **89 турдаги** умумий сони **330 мингдан** ортиқ қушлар ҳисобга олинди.

Жумладан, **5 440 та** кулранг турналар, **91 та** кичик қоравой, **1 098 та** кулранг ғоз, **31 та** оқ пешонали ғоз, **13 та** бизғалдоқлар учраши аниқланди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар **14 та** транспорт воситаси билан таъминланди.

Экология жамғармаси маблағларидан экотуризмни ташкил этиш ишларига Қуий Амударё Давлат биосфера резерватига **1,8 млрд.сўм**, Жайрон питомнигига **4,48 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

**Хисор давлат қўриқхонаси** ва “Жайрон” питомнигига ташриф марказлари фойдаланишга топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 июндаги 317-Ф-сонли фармойиши қабул қилинди ва унга асосан Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан **175 бosh туркман қулони** ва **75 бosh бухоро буғуларини** кўчириш ҳамда Устюрт платосида жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда **8 ta артезиан қудук** қазилиши ҳамда сувлоқлар барпо этилишига маблағлар ажратилиши белгиланди.

“Жайрон” питомнигидан “Сайгачий” мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонасига ва “Судочье-Акпетки” давлат буюртма қўриқхонаси ҳудудларига жами **48 бosh “Туркман” қулонлари**, Қуи Амударё давлат биосфера резерватидан Хоразм миллий табиат боғига **4 бosh бухоро буғуси** кўчирилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектлари давлат кадастри бўйича маълумотлар базаси [www.bcims.uz](http://www.bcims.uz) геопортали ишлаб чиқилди ва тегишли вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинди.

**Қуи Амударё давлат биосфера резервати** жорий йил сентябрь ойида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон биосфера резерватлари тармоғига киритилди.

Дараҳтларни кесишга эълон қилинган мораторий даврида, **453 минг 191 туп** дараҳт ва буталарни кесиш ва кўчириб ўтказиш бўйича **7186 та** мурожаатлар ўрганиб чиқилди ва **375 минг 668 туп** дараҳтларнинг кесилиши рад этилди.

2020 йил куз ва 2021 йил баҳор мавсумида республика ҳудудида **207,74 млн. дона** манзарали ва мевали кўчат экилиб, белгиланган режага нисбатан **100,1 фоизга** бажарилди.

Қўмита марказий аппарати ва ҳудудларда кўчат экилган майдон (га), уни эккан ва тасарруфга олган субъект, суфориш тизими, фотосурат ва жойлашув локацияларни ўз ичига олган “Яшил макон” - ягона электрон базаси шакллантирилиб, маълумотлар рақамлаштириш орқали аниқ ҳисобкитоблар билан киритиб борилмоқда.

Ҳозирда тизимга **58 минг 815 минг 066 дона** экилган турли хилдаги манзарали ва мевали дараҳт кўчатлари киритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жами **20 та** корхона ва ташкилотларнинг **2130 гектар** майдондаги қизилмия плантацияси хатлов қилинди.

Маишӣ чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари учун тўловларни қабул қилишга **1660 дона Android** терминаллари харид қилиниб, UZCARD ва HUMO тўлов тизимлари билан интеграция қилинди.

Соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш жараёнини рақамлаштириш мақсадида грант маблағлари ҳисобидан **307 та** планшет харид қилинди.

2021 йил 25 марта Давлат экология қўмитаси ва **Глобал яшил тараққиёт институти** (GGGI) ўртасида англашув меморандуми имзоланди

ва Марказий Осиё давлатлари ичида илк бор Тошкентда ўз ваколатхонасини очди.

БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси молиявий кўмагида Ўзбекистон Республикаси **Экологик фаолияти самарадорлигининг 3-шарҳи** (Шарҳ) тақдимоти 2021 йил 14 июлда Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида 2021 йил 9 сентябридан Ўзбекистон **Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқига** (IUCN) тўлақонли аъзо бўлди.

**21 727 та** лойиҳаларга экологик экспертиза хулосалари берилди, технологик жараён, хизматлар ва республика худудига хавфли маҳсулотларни олиб кириш ва ундан олиб чиқиш бўйича **7 304 та** экологик сертификатлар расмийлаштирилди.

**2 та** халқаро ИСО экологик менежмент тизимини аудит қилиш ва М ва N тоифали автотранспорт, **28 та** экологик хавфли маҳсулот ва чиқиндилар билан аккредитация доирасини кенгайтириш, экомаркировка йўналишида **1 та** ўсимлик мойлари бўйича стандартлар қабул қилинди. Шунингдек, **8 та** стандарт лойиҳалари тайёрланиб, вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда.

БМТ Таракқиёт Дастури ва Глобал экологик Жамғармаси билан ҳамкорлиқда амалга оширилаётган **2 та** қўшма лойиҳа доирасида лойиҳа бошлангандан буён **4,7 млн АҚШ долл.** миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

#### **Маълумот учун:**

1) “Глобал аҳамиятга эга бўлган биохилмажилликни муҳофаза қилиш мақсадида муҳим тоғли ҳудудларда ўрмонлардан ва табиат ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва бошқариш” қўшма лойиҳаси (2017-2022 йил, лойиҳа қиймати 6,5 млн. АҚШ долл.)

2) “Ўзбекистонда глобал исиши салоҳияти паст ва озонни емириш салоҳияти бўлмаган энергия самарадор технологияларни жорий этиш орқали ГХФУни бутунлай истеъмолдан чиқариш” қўшма лойиҳаси (2019-2024 йил, лойиҳа қиймати 2 млн. АҚШ долл.).

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институтида **3 та** амалий мавзуларда лойиҳалар тайёрланди ва Инновацион ривожланиш вазирлиги сайтига жойлаштирилди.

**Маълумот учун:** “Фойдаланишдан чиқиб кетган эрозияга учраган шўрланган ва шўртбланган ерлар унумдорлигини қайта тиклаш агротехнологиясини ишлаб чиқиши”, “Турли хил корхоналардан чиқадиган оқова сувларни тозалашнинг биоинженерлик қурилмасини яратиш”, “Маший чиқиндилар асосида суюқ ёқилғи фракцияларини олиш қурилмасини яратиш”.

Институтда **1 275 млн. сўмлик** хўжалик шартномалари бажарилди. **4 та** монография чоп этилди. Хорижий Scopus базасидаги журналларда **1 та**, хорижий Impact Factor ли журналларда **23 та**, Маҳаллий ОАК тасарруфидаги

журналларда **18 та** мақола, халқаро конференцияларда **16 та** тезис нашр этилди. Интеллектуал мулк агентлигидан **6 та** патент олинди.

Құмита тизимидағи ходимлар малакасини ошириш марказида **925 нафар** ходимларнинг, **157 нафар** корхоналар экологларининг малакаси оширилди. Режа-график асосида **1 328 нафар** давлат инспекторларининг онлайн үқиши ташкил этилди.

**3 379 нафар** экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодлар махсус тайёргарликдан ўтказилиб, сертификат берилди.

ОАВларда жами **55 559 та**, шу жумладан, телевидениеда **2 918 маротаба**, радиода **1 613 маротаба**, босма матбуотда **1 276 та** ва интернет сайtlарида **37 414 та** соҳага оид чиқишилар ташкил этилди.

Соҳага оид долзарб масалалар юзасидан **ОАВ** вакиллари учун республика миқёсида **56 та** ҳамда ҳудудлар кесимида **180 брифинг** ва **матбуот анжумани, давра сұхбати** ташкил этилди. Шунингдек, **10 та** ижтимоий ролик тайёрланди.

Шунингдек, республика ҳамда ҳудудлар миқёсида **103 та** пресс-тур (чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси, яроқсиз батарейкаларни йиғиши, қайта ишлаш масалалариға бағишенган пресс-тур, “Судочье-Акпетки” давлат буюртма қўриқхонаси, Сурхон давлат қўриқхонаси, Хоразм миллий табиат боғига) ташкил этилди.

Ижтимоий тармоқларда **6 минг**дан ортиқ постлар жойлаштирилди.

## 2022 йилдаги вазифалар

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги:

“Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармони;

“Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарорида белгиланган вазифа ва топшириклар ижросини сўзсиз амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш **Концепциясини 2022 — 2024 йилларда амалга ошириш бўйича тасдиқланган “Йўл харита”**да белгиланган тадбирларни бажариш ва натизодорлигини таъминлаш;

**Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш **мақсадлари** бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш.**

Бундан ташқари:

Мамлакатмиз ҳудудларида баҳор ва куз мавсумида **200 млн туп** дарахт ва бута күчatlари экишни ташкиллаштиш ишларида иштирок этилади ҳамда назорат қилинади;

Ҳудудларда күчат экиш, парваришлар ва күчат билан таалуқли бошқа маълумотлар “**Яшил макон**” ягона электрон платформасига киритиб борилади;

Платформани янада такомиллаштириш учун **Глобал яшил ўсиш институти** билан ҳамкорликда республика ҳудудидаги **яшиллик даражасини баҳолаш тизими рақамлаштириш** лойиҳаси амалга оширилади;

Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг **6100 та** ифлослантирувчи манбалари Давлат экологик мониторинги билан қамраб олинади;

Ҳудудлардаги **12 та** обьектда ташламаларни онлайн назорат қиласиган **17 та** автомат станция, уларга тулаш ҳудудда **6 та** стационар кузатиш пункти ўрнатилади;

Ҳудудлардаги **88 та** йирик корхонанинг **280 та** чанг-газ тозалаш ускунаси модернизация қилиниши ташкил этлади;

Кенг тарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланувчи **2790 гектар** бузилган ерларни рекультивация қилиш ва уларни қишлоқ хўжалигига қайтариш ташкил қилинади;

**76 та** корхоналарда локал оқова тозалаш иншооти ўрнатилади ва мавжудларини модернизация қилиниши устидан назорат олиб борилади;

маиший чиқиндилар билан ишлаш соҳасида **37 та** давлат-хусусий шериклик битими имзоланади;

Осиё тарақиёт банки билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида **339 та** маҳсус техника ва **6000 та** чиқинди контейнери ҳарид қилинади;

Аҳолини майший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари билан қамраб олиш даражаси **100 фоизга** етказилади;

**10 та** майший чиқинди полигонлар рекультивация қилиб, **55,6 гектар** ерлар маҳаллий ҳокимият ер захирасига қайтарилади;

**5 370 та** чиқинди йиғиш майдончалари Давлат кадастри рўйхатидан ўтказилади ва ҳоказо.